


Туркестон Тонги



Йиқтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Марказий осиё туркийларига нима бўлган?

Қондошлиқ ва қардошлиқ...

Кейинги 20-25 йил ичидаги Марказий Осиё минтақасида бўлиб ўтган қонли тўқнашувлардан тортиб, муҳолифат ва хукумат орасидагина эмас муҳолифатчиларнинг орасидаги ўзаро низоларни кўриб, ва ниҳоят машхур кинооператор Абдулазиз Махмуднинг қатор киноларини кўриб, «Ўтмиш ва келажак оралиғида» хужжатли фильмнинг адабий нусхасини ўқиб, тушуниб етгач, менда: ОДАМЗОД (шу жумладан, туркийлар) ҲАЛИБЕРИИНСОН БЎЛМАС ЭКАН, деган хуоса пайдо бўлди. Чунки аксарият ҳалқлар, айниқса, Марказий Осиё туркийларининг бир қисми қондошлиқ қонунларинигина чала ярим тушуниб етишган, қардошлиқ ва инсонийлик қонунларини билмайдилар, тушунмайдилар... Аслида қондошлини жўн, тор, ва кенг маънода тушиниш мумкин. Жўн маъноси шуки, айримлар ўз оиласи ва шажарасинигина қондош деб ўйлайдилар. Тор маънода ўз қавмини, миллатинигина қондош деб тушинадилар. Аслида, кенг маънода, қондошлиқ деганда барча туркийларнинг (шу жумладан бутун инсониятнинг) қондошлигини тушиниш ўринлидир.

Инсон жўн ва тор маънолардаги қондошлиқ конуни билангина яшаса, қардошлиқ ва инсонийлик қонунларини англамаса, у кўп деганда, қавмпарвар, оиласпарвар, нари борса, маҳаллапарвар бўлиб қолаверади. Англашимча, туркийларнинг ҳозирги авлодлари ичидаги оиласпарварлик, қавмпарварлик, нари борса, маҳаллапарварлик мақомидан юкори қўтаришмаганлари борга ўхшайди. Уларнинг оми қисми Марказий Осиёдаги туркийлар бир миллат эканлигини, гарчи яқин тарихда З хонликка бўлиниб яшаган, хон ва амирларнинг ақлсизлиги туфайли бир тўда қарокчи тўдалар бир-бирига чопқин ясад, бир-бирларини қийратган бўлсада, биз бир миллат эканлигимизни тушиниб етишимиш керак. (Бу хил босқинларга хону амирларнинг ўзи изн берганлиги ҳакида тарихий фактлар бор) Чунки, ўтган хото ва қиргиллар учун биз айбор дэвамсиз, яъни. оталар учун болалар жавоб бер-

Нега юз миллион бўлди гу милият бўлмадик,
Бирлашмадик, куч бўлмадик, қудрат бўлмадик.
Аҳли суврат бўлдик. Аммо сийрат бўлмадик,
Майли ўзбак, туркман, қозоқ, қирғиз бўлайлик,
Туркистонда бир дараҳт, бир илдиз бўлайлик!

майди. Шоирлардан бири нола қиласди:
Ха, ҳеч бўлмаса, Туркистон тур-
кийлари бирлашишлари керак эди.

Мустақилликка эга бўлгач, Қозогистон президенти Н. А. Назарбоев Марказий Осиё бирлигини тузиш ҳакида гапириди, Ўзбекистон юртбошиси И. А. Каримов Туркестон умумий уйимиз, деган шиорни илгари сурди... аммо ҳозирча натижка сезиларли бўлмаёттири... Бунинг сабаблари кўп. Аммо ҳалқнинг ўзи бу гояя тайёр бўлиши, бир миллат эканлигини англаб етиши лозим. 20-25 йил ичидаги бўлиб ўтган жанжалларнинг, қонли мажороларнинг асл сабаби бу ерда яшаётган туркийларнинг қондошлиқ ва қардошлиқ конунларини билмаганидир...

Фарғона ўзбеклари ва Ахиска турклари фожиаси

1989 йилдаги Фарғонадан месхети (аслида ахиска) туркларининг хайдалиши, 1990 йилги Ўш Ўзган фожиаси ва ниҳоят 2010 йил ионидаги Ўш-Жалолободқирғинитуркӣ ҳалқларнинг қавмпарвар, оиласпарварликдан, сохта ватанпарварликдан, манфаатпарстликдан нарига ўтаолмаганлигини: уларнинг хукуматлари, зиёллари, хукуқбонлари, хатто муҳолифати ҳам шу туйғулардан нарига кетмаганини кўрсатади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ахиска турклари Горбачев берган баъзи эркинликлардан фойаланиб, Крим татарларидан кейин ўзларининг ота боболари мақон этган Месхетияга кетиш режесини тузиб юришганди. СССР ва Ўзбекистон хукуматининг ўша пайтлаги раҳбарлари Москва КГБси ва Ўзбекистон КГБси буни билар ва қандай бўлмасин уларга зарба беришга ҳаракат қиласди.

КГБ сопини ўзидан чиқарди

... Тўғри, КГБ фарғонадаги ўзбеклар ва ахиска турклари ўртасида, Самарқандда тожик билан ўзбеклар орасида жанжалли вазият ўюнтиришга ҳаракат қиласди пайтлари бўлди. Масалан, 90 йиллар бошида Самарқандда Рустам Фойибов концерт берадиганда бир қатор томошибинлар ўрнидан турриб раксга туша бошлаган ва фукаройиимидағи каслар уларни калтаклашган.

Томошибинлардан бир қисми бу ҳолга муносабат билдириб, уришини тўхтатиши талаб этишганда эса, ташкаридан формали милиция ходимлари кириб ҳаммани бир чеккадан савалай бошлаган. Томошибинлардан бири ўзига қарши келадиган милиция ходимига ўзини ўзбек эмас тожик мил-

латига мансублигини айтганида у: “тоҷик бўлсанг, ўнг қўлинг билан чап билагингни ушлаб чиқиб кетавер, шундай қиласанг сенга ҳеч ким тегмайди”, деган (мен ўша пайтлари “Паролни ўйлаб топган ким?”, деган мақола ёзганман ва у вақтли матбуотда чоп этилган).


Машхур ҳофиз Дадаҳон Ҳасан Фарғонада юз берган, шунга ўхшаш воқеани яхши эслайди. “Ахиска турклари ва Фарғона ўзбеклари ўртасида жанжал бўлмасдан олдинроқ ҳар хил гап сўзлар юради. Фарғонадаги стадионда менга концерт ўюнтиришга рухсат беришиди. Бу концерт баҳонасида туркларни ва ўзбекларни бир жойга ўйғиб, икки ҳалқа ҳам мурожаат қилиб, биз бир ҳалқ эканлигимизни ҳар иккаласига тушинтиромоқчи эдим.. Концертга билетлар сотилган. Аммо нимагадир турк оғайнилар келишмади. Сўнг уларнинг вакилларидан бири келиб: “КГБ бу ерда мажоро чиқармоқчи бўлгани ҳакида бизларда хабарлар бор, шу учун турклар келмади” деган... Демак, бу гал КГБнинг мўлжали амалга ошмаган. Улар шундай вазият юзага келишини кутган...

Туркийлар орасидаги сен фалон ерликсан, сен келгинисан, нега биздан кўра яхши яшайсан каби айримчилик қилишларидан усталик билан фойдаланишга ҳам вазият керак эди... Фарғонанинг (онгли эмас) оми ўзбеклари эса, худди бугунги қирғиз қавмининг фашистлашган, онгизис қисми каби, ўзларининг камбағаллигига, оғир иқтисодий аҳволда яшаётганига туркларни айбор деб ўйлашган. Ахиска турклари ўша пайтда яхши яшаётган бўлса, ўзбекларга ўхшаб совет хукуматининг “пахта миллий бойлигимиз”, “оқ олтинни олтин қўллар яратади”, деган тарғиботига учиб, кулдай ишламаётган бўлса, айбор деб ўйлашган. Машхур режиссёр Абдулазиз Махмуд олган лавҳаларда Фарғонанинг (онгли эмас) оми ўзбеклари: “Ана буларнинг ҳовлиларига қаранг, қандай ҳашаматли, бизнинг ҳовлиларимизга қаранг, битта ҳовлида уч оила, 17 жон яшаймиз”, деб бурнини сувини оқизиб сўзлашади. Уларнинг шу хил кайфиятини билган КГБга уруш вазиятини яратиш осон бўлган...

Давоми 2-саҳифада

Бугунги сонда:

“Уларни авф
қилишлик
марҳамат бўлди...”



2-бет.

“Мардикорчилик
машаққатлари...”



4-бет.

Рауф ака
хафа бўлишни
билимасди...



7-бет.

“Кейин
хурсанд
бўласиз ...”

8-бет

Уларни авф қилишлик марҳамат бўлди...

(Ўзбекистонда диний-сиёсий маҳбуслар амнистия қилинди)

“Панжара орти ёхуд озодлик неъмати”

Ўзбекистон телевидениеси диний-сиёсий мотивларда айбланиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинган ва амнистия акти билан озодликка чиқарилган маҳбусларнинг тавба-тазарруси акс этган хужжатли фильмни намойиш қилди.

17 марта куни намойиш қилинган, 26 марта куни такоран кўрсатилган “Панжара орти ёхуд озодлик неъмати” номли фильмда Ўзбекистон ЖК нинг 159, қатор моддалари асосида “Хизбут Тахрир”, “Нурчилар”, “Жиходчилар” каби диний оқимларга аъзоликда айбланиб қамалган 10 га яқин маҳкум сўзлади.

Президент афви билан озодликка чиққани айтилган маҳкумлар тақиқланган диний оқимларга адашиб киргани ва бу йўлдан қайтгани учун озодликка чиқарилганини айтиб, президентга миннатдорчилик билдири.

Жумладан, 1973 йил Фарғонада туғилган ва 2008 йилда Ўзбекистон ЖКнинг 223, 227,228 ва 244-2 моддалари асосида “Нурчилар” оқимига аъзоликда айбланиб, 13 йилга озодликдан маҳрум қилинган Ҳаётжон Жўрабоев: «Нихоятда пушаймон бўлдим. Ўзимиз нотўғри мақсад билан яшаган эдик. Шундай бир ватанга хизмат қиласлик бу энг катта нонкўрлик», деди.

Ҳаётжон Жўрабоев президентавфи билан қамоқдан қарийб 9 йил аввал озод қилинди. Кўрсатувда намойиш қилинган яна бир собиқ маҳкум — 1971 йилда Тошкентда туғилган, 2009 йилда Ўзбекистон ЖКнинг 159, 244-1, 244-2 моддалари билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган Гулнора Абдураҳимовадир.

- Пушаймонман минг марта қилиб қўйган ишимдан. Кечиришингларни сўрайман ҳамманлардан. Президентимиздан ҳам, халқимдан ҳам, онамдан, болаларимдан. Бизлардакаларга амнистия қўлланиши бу жуда катта нарса. Арабис-



Сиёсийлар ҳам авф қилинган, «слекин улар жуда камчилик»

Ўзбекистонлик мустақил ҳуқуқ ҳимоячиларидан олинган маълумотларга кўра, бу йил амнистия акти қўлланиб, диний-сиёсий мотивларда айбланган 30 га яқин аёл киши озодликка чиқарилган.

«Уларни авф қилишлик марҳамат бўлди»

Бу каби яна бир неча сабиқ маҳкума ва маҳкумларнинг қилмишидан пушаймонлиги акс этган “Панжара орти ёхуд озодлик неъмати” номли хужжатли фильмда, шунингдек, уларнинг қилмишини коралаган ва бу каби йўллардан бошқаларни огоҳ этган жамоат фаоллари ҳам сўзладилар.

Фильм адогига яқин эса Тошкент шаҳри имомхатиби Анвар қори Турсунов сўзлади.

- Фўрлик қилиб, ёшлиқ қилиб, содалик қилиб, билимсизлик қилиб жиноий жавобгарликка тортилгандарни Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига асосан амнистия билан уларни авф қилишлик марҳамат бўлди. Ўша жиноят кўчасига кирганлар аввало шукур қилсинларки, баъзи бир жойларда бундай гуноҳлар учун кечириб йўқ, деди Анвар қори Турсунов.

Ушбу хужжатли фильмда тилга олинган ва амнистия акти асосида озодликка чиқарилгани намойиш қилинган сабиқ маҳкумларнинг барчаси, одатан, президент авфи қўлланилмайди, деб келинаётган тоифадаги маҳбуслардир.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Бир пайтлар “Бирлик” газетасига келган (ва янгишмасам босиб чиқарилган) бир хатда ҳам айтилганидай, дастлаб бир татар йигити билан бир турк йигити пивохона олдида навбат талашиб сўкиша бошлаган. Сўкишиш муштлашишга айланган. Бир ўзбек йигити татар йигитнинг ёнини олган, уни дўппослашгандан кейин бошка ўзбеклар аралашган. Татар йигит орадан сирғалиб чиқиб кетган: жанжал ўзбеклар ва турклар орасида давом этган. Муштлашиши тўхтатадиган милиция вактида келмаган. Водийнинг оми ёшлари ўз тарафдорларини чақиришган. Бир томондан Гуржистондаги ўз ватанларининг соғинчи, иккичи томондан Фарғона оми ёшларининг уларга ола кўз билан қарай бошлагани (шу пайтгача бирон марта бундай воқеалар бўлмаганди, ахиска турклари ва фарғона ўзбеклари ака-уқадай яшашган, бу сафар эса бошқача муносабатда бўлишгани) оқибатида пайдо бўлган ғазаб Ахиска туркларига ҳам таъсир этган. КГБ Фарғона ўзбеклари ўртасида туркларни ёмонлаб, туркларнинг маҳалласида ўзбекларни ёмонлаб мурожаатномалар, фотосуратлар тарқатган. Натижада ҳар икки томон ғазаби устун келиб, ёш-яланлар ахиска туркларининг уйларини ёки, ўзларини ўлдира бошлашган. Ахиска турклари ҳам жавоб зарбалар берган ва фарғона ўзбекларидан ҳам анча мунчаси курбон қилинган. Хуллас, бу шармандали урушда ахиска туркларидан кўпроқ, фарғона ўзбекларидан камрок одамлар ҳалок бўлган. А. Маҳмудов турк биродарлардан олган интервьюарда уларнинг фарғонанинг оми ўзбекларига нисбатан туркларнинг онглилиги кўриниб туради, уларнинг аксарияти фожия юқоридан уюштирилганини ургулашади. Улар бўлажак тўполнондан хукуматнинг хабари бўла туриб, вактида чора кўрмаганини, бу ҳодисаларнинг ҳаммаси юқоридан уюштирилганини, улар ўзбеклардан буни кутмаганликларини, бу фақатгина хукуматнинг изми билан амалга оширилганини таъкидлайдилар. Бу рост гап. Агар юқоридан уюштирилмаганда, ўзбек милицияси ва хукумат истаганда бу тўполнонни тезда бостириши турган гап эди...

Шу воқеалардан анча ўтиб, биз ўнга яқин киши Ўзбекистоннинг ўша пайтаги бош вазирига йўлиқканмиз. Чунки, бу пайт Сирдарёда юзга яқин турк оиласлари қолган бўлиб, улар Бирлик ҳалқ харакатига ўзлари Сирдарёда қолиш илинжида эканлиги ҳақида ариза билан мурожаат килганди. Шахсан мен бош вазирга ўша аризаларни кўрсатиб, уларни Ўзбекистонда олиб қолиш ва кардошликтин йўлга қўйишни илтимос килдим, аммо афсуски, бош вазир: энди кеч, уларнинг асосий кисми кўчуб кетди, буларни ҳам ушлаб қолиш шарт эмас, деган фикрни айтди. Ўша пайтда мухолифат лидерларининг гинг демай ўтираверишганига ҳали ҳам танг қоламан. Демак бу кирғин хукумат (Москва ёки Ўзбекистон КГБси)нинг айрим кўли узун раҳбарлари томонидан уюштирилган, ўзбекистон хукуматидаги эси борлар ҳам сукут саклаган ёки туркларнинг кирғинга учрамаслигига ёрдам бермаган. Ўша пайтда ҳатто мухолифат вакиллари ҳам масалага ҳалол ёндашганий йўқ. Газеталарида ўзбеклардан ўлганлар сони ахиска турклариники билан тенг, деб ёзиши...

Ушбу мақоланинг дастлабки варианти интернетда босилганда o'zbek said исмли киши менинг маколамга фикр билдириб: "...ўзини умумтурк қадриятларига чакираётгандай кўрсатаётган кишининг ўзбекларни "фарғона ўзбеги-ю", "ўзини ўзбек атайдиган ўғизлар, (хоразмликлар)"... деб ёзганим учун танқид килди. Аслида менинг маколамдаги матнларга эътибор берилса, бу ерда мен ахиска турклари кирғини ва ҳайдалишига бутун ўзбек ҳалқи эмас, КГБнинг ёлғон тарғиботига учган фарғоналик оми аҳолининг қатнашганлигини таъкидлаш учун ажратиб кўрсатдим. Туркийларнинг ўзаро мажороларини икки қавм (масалан турклар ва ўзбеклар) ўртасидаги эмас, уларнинг баъзи кисмлари орасидаги тўқнашув тарзида кўрсатиш "умумтурк қадриятларига" чакиришнинг айнан ўзидир. Ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ керак. Фарғоналик онгли ўзбекларимиз кўп масалада фаол бўлишган, аммо улардан баъзи онгиз кисмининг ахиска турклари масаласидаги фаоллиги туркийлар зарагига ишлаган.

Бу кирғиндан кейин маслани тўғри тушунмаган ахиска турклари факат фарғоналик ўзбеклардан эмас, умуман ўзбек ҳалқидан қаттиқ хафа бўлганлари ҳозиргача ҳам сезилади. Қозоғистоннинг қатор худудларида минглаб ахиска турклари яшашади. Уларнинг орасида ўзбекларни дўст деб биладигандар ҳам бор. Аммо ўзбеклардан аразлаб юрган, уларнинг барни ёмон кўрадиган ахискаликларимиз ҳам йўқ эмас. Жанубий Кирғизистоннинг кирғин учун ҳам барча кирғизларни айблаш тўғри эмас, бу конли можаролар учун маъсул шахслар, фашистлашган тўдалар ва уларнинг йўлбошчилари бор. Шу туфайли 2010 йил июнидаги воқеаларга Шимолий Қирғизларнинг аралашмаган кисмидан (булар кўп) кирғинни тўхтатишига интилмаганлари учун хафа бўлиш мумкиндир, аммо бу жанжалга қатнашмаганларни гуноҳкор дейишимиз инсофдан эмас.

(давоми бор).
Б. Норбой.

Ахтам Шаймарданов

Маълумки, Марказий Осиёдағы музликларнинг эриши жараённи Орол дengизининг куришига қаттік таъсир қилди. Денгизнинг куриган қисмидан шамол билан күтариленген миллион тонналаб тузли чанг музликлар устига ўтириб уларнинг эришини тезлатмоқда. Орол дengизи сувининг кўп бора камайиши натижасида дengиз устидаги буғланиб, музликларга ҳам етиб борадиган намлик миқдори кескин камайиб музларга ўз салбий таъсирини ўтқазмоқда.

Холбуки, сув миқдори стабиллашувини ва келажакда Оролнинг тикланишини таъминлаш учун Сир ва Амударёдан ҳозирда жуда кам миқдорда тушаётган сув ҳажмини бор йўғи тўрт бараварга кўпайтириш зарур.


Экин майдонларининг кўп бора кенгайтирилиши, сунъий сугоришнинг одми усусларидан фойдаланилганлиги туфайли ҳажми жиҳатидан иккита Оролга teng келадиган сув ер тагида сақланиб қолган. Бу сувларни ер тагидан сўргичлар билан тортиб олиб, дарёлар орқали Оролга юбориш мумкин. Бироқ ер тагидаги сувни “юкорига кўтариш”нинг оддий ва ишончли йўллари ҳам бор. Бу, ер остидаги сувни чуқур томирлари орқали олиб, сўнг уларни буғлантириб, тоғларда тўпланишини таъминлайдиган дараҳт ва ўсимликларни кўпроқ ўтириш йўлидир. Масалан, барча экинзорлар орасида ўрмон йўлакчалари пайдо қилиш лозими, шунда ер ости суви пастлайди ва шўрланиш ҳам юз бермайди.

Шунингдек, сувларни ер остига кетишига сабаб бўладиган, ўзида икки Оролнинг сувини сақлаб ётган сув омборлари ҳам бор. Сув истеъмолчиларининг эҳтиёжлари ўзгариши муносабати билан бу сувларни ҳам Оролга йўналтириш мумкин. Энг асосийси, шу ҳудудда яшаётган халқларнинг бугунги ва келажақдаги умумий фарновонлиги учун муҳим бўлган бу улкан муаммоларни биргалиқда ечиш лозимлигини англаш етишидир.

Орол дengизи ҳовзаси(ОДХ)га яқин ҳудудда яшаётган барча халқларнинг биринчи зарур эҳтижини кондирадиган сув бор. Махаллий ва халқаро тизимларнинг Сирдарё ва Амударё сувларидан фойдаланиш бўйича кўплаб дастурлари ҳам мавжуд. Аммо, менинг нуқтаи назаримча, туб стратегик хатоимиз шундаки, бу дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда қозоқ, кирғиз, тожик, туркман ва ўзбек улусларигина қатнашмоқда. Ўз ватанида туриб, Оролнинг куришидан энг кўп жабр кўраётган қорақолпок қавмига teng хуқуқли равишда иштирок этиш учун рухсат тегаётгани йўқ.

Ўз тарихий тупроқларида яшаётб экологик, этнологик за-

ОРОЛНИ ВА БУ ҲУДУДДА ЯШАЁТГАН ХАЛҚЛАРНИ ТАБИИЙ ФАЛОКАТЛАРДАН ҚУТҚАРИШ МУМКИН...



рар кўраётган, қисман геноцидга учраётган қорақолпок қавмини эса, таникли хуқуқ посбони Елена Урлаева ҳам айтганидек, химоя қилиш ва қутқариш керак.

Айнан шунинг учун ҳам, асосий хуқуқи - яшаш хуқуқини химоя қилишга, Оролнинг куриган тубидан учраётган заҳарли чанглардан кутилишга, дengизнинг секинаста қайта тикланиши жараёнинга катнашиш, бу вазифаларни фойдали равишда ечиш қорақолпок улуси учун кўпроқ зарурдир.

Ишончим комилки, бу ҳудудларда, Сир ва унинг ўзанлари бўйларида яшаётган кирғизлар, ўзбеклар, тожиклар ва қозоқларнинг ҳар бири Амударё ва унинг ўзанлари сувининг 25 фоизидан фойдаланишда тенг хуқуқка эгадирлар, яъни, ҳар бир улус оқаётган сувнинг 25 фоизидан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек.тожиклар, ўзбеклар, туркманлар ва қорақолпокларнинг ҳар бири Амударё ва унинг ўзанлари сувининг 25 фоизидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳамма томонидан тан олиниши ҳамда расмийлаштирилиши лозим.

Аслида Орол дengизи Қозогистон ва Қорақолпокистон ҳудудида жойлашган бўлиб, уларнинг хуқуқий дикциясига қарашли ва шунинг учун ҳам бу республикалар биргалиқда барча чораларни кўришга,

Орол тубидан чиқаётган чангларнинг зааридан тезроқ кутилиш йўлида фаолиятда бўлишга масъул.

Оролни тиклаш учун берилётган халқаро ёрдамлар халқаро бюрократик тизилмалар томонидан эмас, Оролбўйи республикалари ахолиси томонидан назорат килиниши ва шу йўлда фойдаланилиши лозим.

Қорақолпоклар сувдан ўз хиссаларини олишаркан, халқаро ташкилотлар ёрдамида, Оролнинг куриган қисмига тезлик билан тузга чидамли ўсимликлар экиб, тўқайзор ўтлоқлар яратиб сўнг аста-секинлик билан дengизни кайта тиклашни бошлашлари мумкин.

Ҳозирнинг ўзида ҳам халқаро дастурлар асосида Оролнинг куриган жойларида тўқайзорлар барпо этиш тажрибаси бор, аммо кўп йиллар давомида сув етиш-маслиги оқибатида унчалик катта бўлмаган ҳудудларда экилган яшил ўсимликлар куриб қолган.

Икки дарё орасида яшаётган барча халқлар айниқса дехқончиликда тибият бойликларидан, сувдан фойдаланишдаги зеҳниятларини ўзгартиришлари лозим.

Орол дengизи ҳудудида ер ислоҳотини албатта ўтказиш –

ерни дехқонларга мулк сифатида бўлиб бериш, ер ва сув солигини жорий этиш, бошқа мамлакатларда бўлаётганидек, ер ва сувдан фойдаланувчиларга иқтисодий эркинликлар бериш ҳамда тибият бойликларидан сифатли фойдаланиш учун масъулиятни ошириш лозим.

Масалан, Оммавий ахборот воситалари хабарига кўра 2004 йилнинг январидан бошлаб Қирғизистондан жанубий Синьцзянга оқиб кирадиган Тарим дарёси сувининг 1000 кубметри учун 50 цент АҚШ доллари олинаётган экан. Режа бўйича бу баҳо келажакда ўн баравар кўпайиши мумкин. Албатта, айрим ўсимликлар, масалан, пахта экишни кескин камайтиришга тўғри келади.

Аҳолига эса, ўз эҳтиёжи ва сочиш учун мева ҳамда сабзавот этишириш фойдалилироқдир. Чунки, дунёда озиқ овқат маҳсулотларига талаб ва унинг баҳоси кундан кунга ортиб бормоқда.

Яқинда Қозогистон президенти Нурсултон Назарбоев Марказий Осиё мамалакатлари учун эркин савдоning ягона ҳудудини ташкил этишини таклиф қилди, дейилади “Янгилик – Қозогистон” Ахборот Агентлиги тарқатган хабарда. Унинг айтишича, Марказий Осиёдаги сув-энергетик потенциалини кучайтириш, сув хўжалигидаги баҳсли муаммоларни ўзаро фойдали ва тенглик йўналиши асосидаечиши лозимдир.

Ва ишончим комилки, эркин савдога йўл очиш ва сув ресурсларидан биргалиқда фойдаланишга шароит яратиш керак. Масалан, Қозогистон Қирғизистонда сувни жамлайдиган сув омбори қуриши ва ёзда Нориндан Талас ёки Чуга тушган сувдан биргалиқда фойдаланишни йўлга кўйиши, шу орқали ҳар баҳорда Сирдарё қуйи оқимида талофтотлар келтириб чиқарадиган сув тошқинларидан кутилиши мумкин. Бу - ер устига қурилган фойдали ва ишончли сув омбори ва зидрегулятор бўла олади.

Қирғизистонда эса, музликларни асраш бўйича “Монгу” фондиға ўхшаган жамоат ташкилотлари ва эркин матбуот бор. Шу учун бу ерда барча туб халқларнинг музликларни асраш ва Оролни қайта тиклаш бўйича диолог олиб борадиган узлуксиз ахборот ҳудуди яратиш фойдалари оқидир.

«Очиқ Қирғизистон»
02.03.2012
http://www.open.kg/ru/theme/interview?theme_id=241&id=608
Б. Норбой таржимаси.

МАРДИКОРЧИЛИК МАШАҚҚАТЛАРИ...

ГАННИНГ АВВАЛИ...

Миграция муаммоси кўплаб мамлакатлардан мавжуд. Аммо муаммолар ва кечётган таомиллар хеч қаерда ўзбек меҳнат мухожириничилик оғрикли эмас. Миграциядан ўзбек мардиклари чалик кўп кийналаётган мигрантларни топиш кийин: уларни божхоналарда кўркитиб ёки алдов билан талайдилар, борган жойларида тожик, ҳатто киргиз мигрантларидан фарқли равишда, ишлаган иш ҳақларини бермай кўяоладилар, кул каби ишлата оладилар... Россиядами, бошка жойдами, бир оғиз гап қайтарса, тақибошлар ёки бошка “бош”лар бемалол жазолайоладилар...

Бу кўргиликларнинг ўзбек халки минатитети (зехният), улар борган жойлардаги миллатларнинг ўзбекларга муносабати ва нихоят ўз ҳукуматимизнинг уларга муносабати билан боғлиқ сабаблари бор. Шуларга бирма-бир тўхталайлик.

МАРДИКОР ЙЎЛГА ОТЛАНДИ...

Уйда ишсиз ва пулсиз ўтирган киши бирон инсон келиб: Россияда ё Қозогистонда иш бор, кетдик, деса, сўраб-суриштирумай ишга отланган мардикорларни кўп кўрганмиз... Қизиги шундаки, кўпчилик ҳолларда меҳнат мухожирининг иш жойига етиб боришига йўлкираси ҳам бўлмайди. Ўзбекистондаги меҳнат мухожириларининг ўндан еттиси Россияга пул қарз олиб кетади. Чунки у ерга (мн: Москвага самалётда) боришининг ўзи учун сал кам бир миллион сўм пул керак. Бундай пул эса унинг ўзида йўқ. Чунки, ўтган йилги пулини ё қарзга тўлаган, ё тўйга сарфлаган ё уйини таъминалаган...

Бир йиллик меҳнат ҳакини бирлик тўйга сарфлаб сўнг бирорлардан қарз кўтариб бошка мамлакатга ишга кетиш, жонажон ўзбекнинг зехниятига хос энг қабиҳ иллатдир. Аммо худди ўша мардикор ўзбек билан унинг тилида гаплашсангиз, ўзини оқилу донолиқда Арастудан кам билмайди. Нега ундей киласиз, деб сўрасангиз, ўзи бирорларнинг ошини еганини, агар етти маҳаллани ёки етти қишлоқни чакириб тўй бермаса уятга қолишини айтиб, сизни мот қиласди...

Демак, меҳнат мухожири ё танишилдишдан, ёки ўша борадиган жойидан туриб уни чакираётган бирон иш берувчидан иш бошламай туриб қарз кўтарили... Унинг бўйнига дастлабки тавки лашнат - қарз балоси осилди. Борган жойида ишлаб пул топадими, топмайдими у бу қарзни тўлашга мажбур. қарздорлик кайфияти, тўғрироғи руҳияти уни мутеълика бошлайди.

ПОСТЛАРДАГИ БОССЛАР

Хоразм ва Қорақолпогистонлик мардикорлар Хозарсп ва Саримойдаги расмий ва норасмий постлардан бошлаб, Бухоро, Самарканд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ўнлаб блокпостларидан ўтишади. Истаган постда уларнинг паспортларини текшириб чўтал олишга ўзларини ҳақли деб биладиган пагонли ва пагонсиз босслар топилади. Бу босслардан зада бўлган Хоразм ва Қорақолпогистонлик мардикорлар Россияга ва ҳатто Қозогистонга Устюрт, Бейнов худудлари орқали поездларда ёки шахсий машиналарда ишга кетишади... аммо бу йўллар ҳам уларга вафо қилавермайди... Иш жойига боришининг ўзи улар учун ҳам аччик азобга айланади: 30 кишилик автобусларга 60 киши, 60 кишилик машиналар-



га 120 киши миниб олади. Йўлларда турли аварияларга дуч келиб, совукда колиб ўлганларни кўп эши тамиз... Босслардан қочиб машиналарда ишга кетаётганлар турли расмий ва норасмий карокчиларга ҳам дуч келишади. Улар ҳам учраган мардикорлардан пул талаб килишади. Инсофлилари маълум суммани айтишади, инсофислари эса, пул бермаганларни ўласи килиб калтаклашади...

Меҳнат мухожириларининг асосий оқими Қозогистонга Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилояти атрофидаги Яллама (Чиноз) Жеттисой (Жиззах) Атакент (Сирдарё), Коплонбек (Тошкент тумани), Майский (Чирчик тумани) божхоналаридан ўтишади.... Жанубий Қозогистонлик нодавлат ташкилотларнинг ҳисоб китоблари бўйича Қозогистонга ўтиб ишләётган меҳнат мухожириларининг асосий кисми яни 95 фоизи ўзбеклардир...

Улар мухожириларни бўйинларига олиб, йўлга чиқишиар экан, “Илойим божхонадан омон-эсон ўтиб олай, яхширок иш топилсин, инсофлирк хўжайниларга дуч келай, омон-эсон ишлаб, бола-чакам ёнига кайтиб келай”, деб, ўзларини ўзлари дуо қилишади... Аммо дуолар кўпчилик ҳолларда мустажоб бўлавермайди...

МЕҲНАТ МУХОЖИРИ ВА БОЖХОНА...

Божхоналар олдида меҳнат мухожириларини “осонрок ўтказиб кўямиз”, деб аврайдиган “объездчик”лар кутиб олишади. Улар божхона олдида беш, ўн, йигрма кишилик гурухлар тузишади. Сўнг божхона ва чегара ходимлари билан бориб бир-бирига шипшиб нималаридир келишишади...

Кейин меҳнат мухожириларининг паспортлари олинади, гурух-гурух килиб, худди кўйларни кўрага хайдагандай, Ўзбекистон чегарасидан Қозогистон чегарасига хайдашади. Ўша пайтдаёк хушёр бўлмаган меҳнат мухожириларидан айримлари калтак ейишгани кўрганман. Бир гал мардикорлардан бирини ўтказиб кўйгувчи ура бошлади. Раҳмим келиб, “Нима ҳакинг бор. уришга”, деб ёнларига бордим. “Ўтказиб кўйгувчи” важохатимни кўриб қочиб кетди. Кейин билсан, мардикорнинг ўн чогли шериги бор экан, бирисини ураётганда бошқалари мумтишлаб туришганини бошка ҳалкларда ҳам кўрганмисиз?.. Тағин, “Қайга борсан, бошда дўппим, ғоз юрарман. гердайиб”, деб ашула айтишади...

Майли. Гапдан чалғимайлик! Мана, мардикорлар Ўзбекистон божхо-

насидан омон-эсон ўтиб олишди. Ҳали Қозогистон божхонасидан ўтишлари керак. Уларни бу ерда ҳам янги муаммолар кутяпти...

... Кейинги йилларда Ўзбекистон паспорт столида прописка ёнига думалоқ муҳр ҳам кўядиган бўлишган. Қозогистонлик бож-

начилар ва “обездчиклар” ичларидан раҳмат айтишади.

Шу можоролардан кейин ўзбекистонлик ўтказувчи “ўз” гурухларни қозогистонлик ўтказувчига топширади. У эса, меҳнат мухожириларини истаган кўйга солаолади: хоҳласа паспортларини бермай қўйиши, бошка бир ўтказувчига ёки “Менга ишчи керак”, деган фукарога пуллаб юбориши, ёда чўнгагидаги қолган-кутган маблагини, маблағ бермаса кўл телефонини олиб кўйиши мумкин...



хона ходимларидан бир хиллари буни чиқиши визаси деб ўйлашса керак (Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасида Виза тартиби ўйклиги ҳар иккала томонни кизиктиримайди), ҳозирда ҳаммадан шуни талаб килишмокда. Шу хил мухри йўқ шахслардан кўшимча ҳақ ундиришмокда. Масалан, ўзбекистон фукароларидан Рўзметов Фарход, Боймирзаев Акромни божхонадан ўтаётганда худди шу хил баҳона билан ўзбекистонга кайтириб юбормокчи бўлишди. Мен журналистлигимни пеш қилдим ва “муҳр янгидан прописка килинган одамларнинг паспортларига кўйилади” дедим. Уларни чор ночор ўтказишиди. Аммо кўпчилик мардикорлар чегарада турғанларнинг гапларини қонун деб билишади ва қайтада қайтиб кетишаверади. Божхонанинг айрим ходимлари ҳам аломат, бир нарса ундириш учун мардикордан керак бўлмаган нарсаларни талаб кила бошлади. Шу туфайли бўлса керак, айрим божхона постларида “чегарадан ўтиш учун паспортдан бошқа ҳеч бир хужжат талаб килинмайди”, деб ёзиб кўйишиган. Аммо оми мардикор бу ёзувни ўқимайди... Улар: “бирон ножёя ҳаракатин сезсангиз, фалон телефонга кўнгирок килинг”, деган мазмундаги ёзувни ҳам ўқимайди, ўқиса ҳам амал қилмайди. Мияси қотиб қолган манқуртсифатлар: “чегарадагилар сўраяптими, демак килиш керак”, деб ўйлашади... Баъзилар чегарадагиларнинг олаётган чўталлари қонуний, деб ҳам ўйлашса керак. Бир мардикорнинг эслироқ ўғли ўзларидан пул талаб килган бир йигитга: “нега сенга пул берамиз, бермаймиз, агар тихирлик қилаверсанг, журналистга телефон қилмайман”, деганини, отаси эса, “беравер, буларнинг ҳам бола-чакаси бор”, деб мугтафакирлик қилганини ўз кулогим билан эшигтанман. Қаранг, ўзи кўшнисидан қарз кўтариб ишлашга кетяпти, юлғучлар пул бер, деса айтганини қонун билиб, охирги пулини бермоқчи... Бундай мардикорларга “ҳамма” божхо-

нашилар ва “обездчиклар” ичларидан раҳмат айтишади. Паспортини олиб кўйган бир мишики боланинг орқасидан ялиниб юради, унга нима деса шуни беради... Ўтказиб қўйгувчилар ҳам аломат... Бир гал корақолпогистонлик 12 кишини автобусгача олиб келган ўтказувчининг мардикорларни не ахволга солганининг гувоҳи бўлганман: ўтказувчи меҳнат мухожириларини автобусга олиб келгач улардан кўшимча пул талаб қила бошлади. Мардикорлар ўзлари Ўзбекистон томонда ҳам,

Қозогистон томонда ҳам айтилган суммани берганлигини гапириши, аммо Қозогистонлик янги ўтказувчи уларни билмаслигини, унга бу пуллар етиб келмаганини айтиб ҳарҳаша бошлади. Меҳнат мухожириларининг охирги пулларини ҳар иккиси томонга ҳам беришгани, бошка пуллари ўйклиги ўтказувчини зарра кизиктиримади. “Объезчик” меҳнат мухожириларини паспортларини бермаслигини, миграция полицияси топшириб юборишини айтиб қўркита бошлади. мардикорлар йўлда ҳар учраган пагонли ва погонсиз босслар, “объездчик”лар улардан нима талаб қиласа шуни бажаради. Пул бер деса пул беради, паспортини бер, деса паспортини беради... Паспорт бу менинг шахсий хужжатим, бу хужжатни маҳбуслардагина олиб кўйишади, паспортини қайтаринг, деялмайди. Кўзини мўлтиллатиб, шағёрга ёки ўзини ишга олиб бораётган кишига ялиниади. Ўшанда ҳам мардикорлар йўл ҳақларидан чегириб (уларни Олматида кутиб оловчи шахслар йўл кира тўлайдиган бўлгандан сўнг) ўтказувчига яна пул беришиди. Босслар ҳам, ўтказиб қўйгувчилар ҳам аломат: бечора бошка бир юртга ишлагани кетяпти, кўй, шунга раҳм қиласи, демайди, иложи борича уни “шилиш” пайдади бўлади... Қозоқ тилида мардикорни кул, дейишади. Бир хил мардикорларга “Сизлар кулдайсизлар”, деса хафа бўлишади. Айрим дўстларимиз, “Ўзбек ҳали миллат сифатида шаклламаган экан, қонуний ҳукукларини ҳам билмайди, бир-бирини химоя қилмайди, аксинча бошка жойлардаги ўзбеклар ҳам ўз миллатига мансуб кишиларга ёрдам бермайди”, десак “халқимизни ҳақорат қилманд”, деб дўқ килишиади. Ўнлаб мисоллар келтирсангиз ҳам “қул эмас”, деб туриб олишади. Эрки бўлмаган, ўзини ва дўстларини қонуний ҳукукларини химоя қилолмайдиган одам ким?! (давоми бор)

Н.Жуман.

Куюнчак ижодкор...

Баҳодир Оташ филологияда ўқимаган, журналист ҳам эмас. У тиббиёт ходими. Аммо унда шоирона қалб, ҳәётнинг оддий одам кўзига кўринавермайдиган қирраларини кўра олиши, тушиниши ва ифодалаш иктидори бор. Баҳодир шоирликни ҳалққа хизмат қилиши деб тушунаркан, юксак, ўйлар билан яшайдиган куюнчак ижодкорларни бетайин ва лоқайд зотларга қарама-қарши қўяди: “Кўз ёшлигин тўка олмас, бетайин зот сен учун, шаршара ҳам кўз ёшидай, юксак тогдан қўялар”, дейди у ҳалққа қаратса. Шоир “Ноҳақликин кўрсан, этаман фарёд”, деркан, баъзан, жасиятда доноларнинг эмас, жоҳулларнинг ўзганини кўради. Бу ҳолга: “Жоҳулнинг ўзгани - миллат тўзгани”, дега баҳо беради. Одамзодни қаърига тортаётган турли урушларни инсониятнинг дарди деб билган ижодкор:

Уруши яна дунё узра қилар хуруж,
Эй, ТИРИКЛАР! Уйгоқмисиз? Беринг овуш!
Таг - томирин қўпоринглар, битсин уруши!

дэя нидо қиларкан, ағон урушинигина эмас, Марказий Осиёда кейинги 25 йил ичидаги бўлиб ўтган миллатлараро низолардан туғилган урушларни ҳам кўзда туради. Вокеъликка, ҳалқ ҳаётига бефарқ қарамаслик, куюнчаклик, изтироб, булар

- Баҳодир Оташ табиатига, бинобарин лирик қаҳрамонига ҳам хос фазилатлар...

Куйида шоирнинг янги шеърлари билан бир қаторда 2003 йили чоп этилган “Талаба кундалиги” тўпламидан саралаб олинган (ва шоир томонидан енгил таҳрир этилган) назмлар ҳам берилмоқдаки, уларда ҳам ҳалқ, она юрт, туркӣ ҳалқлар тақдиди учун куюниши ва висол онлари акс этган. Баҳодир Оташнинг шеърлари “Туркистон тонги” ўқувчиларини бефарқ қолдирмайди, деган умиддади.



Баҳодир Оташ ҳамда Комилжон Солибеков

Тахририят.

БИРЛАШ ДЕЙМАН...

Бугун тарқоқ элимнинг ахволига бокаман,
Кўксимга кўр аламнинг лоласини тақаман.
Аждодларим армони – чироғини ёқаман,
Бирлаш дейман, Туркистон, бирлик бўлсин абадий!

Ўтмишингда тарқоқлик мевасини тотдик-ку,
Сўқмоқларда адашиб, батқоқларга ботдик-ку,
Нафс учун ўйланмай, ор номусни сотдик-ку,
Бирлаш дейман, Туркистон, бирлик бўлсин абадий!

Кўрган, туйган хўрликдан кўзлардан қон тўкилди,
Зардоб сигмай юракка, чоклари ҳам сўкилди.
Эрк истаган мардларнинг, беллари гоҳ букилди,
Бирлаш дейман, Туркистон, бирлик бўлсин абадий!

Бугун озод ватансан, нимталангандан беш бурда,
Ташвишдаман эртангдан, қолмасин деб беш мурда,
Бирлашмакнинг қалити ёт кўлдамас, шуурда,
Бирлаш дейман, Туркистон, бирлик бўлсин абадий!



ЁР БИЛАН МУЛОКОТ

Ёрдан аста сўрадим:
Нечун зулфинг кародур?

-Тун рўмолин ўрадим,
Кўксим ишқдан порадир.

Ўхшатурлар кошингни,
Шоирлар ҳам камонга!

-Тўқмасин деб ёшимни,
Камон этдим, ёмонга.

Киприкларинг мисли ўқ,
Қадалармиш, юракка?

-Сурбетлардай кўзин лўқ,
Этганларга керакда.

Ғунча каби дудоклар,
Болдай тотли эмасми?

-Чўлда сувни чанқоқлар,
Оби ҳаёт демасми!

Қоматинг ҳам навниҳол,
Ё сарвга ўхшайдур?

-Мевали шамшоддирман!
Менсиз ҳаёт тўхтайди.

ЭЙ, БАНДА...

Бўлса ҳамки, нонинг ёрти ё бутун,
Жиғилдонинг гамин ўйлаб туну кун,
Фимирилайсан, эртаю кеч не учун,
Хом сут эмган, қалби сўқир эй, бандада.

Манқуртликка маҳкум этиб болангни,
Ўз кўлингла пайхон қилдинг лолангни,
Ким тинглагай эрта сенинг нолангни,
Хом сут эмган, қалби сўқир эй, бандада.

Кўпрак каби хушомадга эврандинг,
Тўғри сўзга тишинг қайраб гуврандинг,
Гап тополмай, тупик сочиб уврандинг,
Хом сут эмган, қалби сўқир эй, бандада.

Овеалардай лўқ этма сен кўзингни,
Дашномларга дучор этма ўзингни,
Атласлардан аъло кўрма бўзингни,
Хом сут эмган, қалби сўқир эй, бандада.

Кўрдим, қандай бичдинг элга кенг кафандан,
Етган жойинг, ўйлаб кўргин, шулмикан?
Бир кун дерсан, ўз ўзингга, эх, аттанг,
Хом сут эмган, қалби сўқир эй, бандада.

СИЁСАТ

Чаколоқ ийғлайди ётиб бешикда,
“Жим бўл”, деб уришар, уни акаси.
Аёз ҳам совқотиб ғингшир эшикда,
Ичкари кўймайди уйнинг бекаси.
Ўйланиб қарасам, бу ҳам сиёсат.

Паспорт янгилашга югурдим тўрт ой,
Қанча оёқ кийим ўйқотди чирой,
Рахми келиб бирор аста шипшиди,
“Нафсиға тиқсангчи, икки юзлик мой”
Ўйланиб қарасам, бу ҳам сиёсат.

Дардимдан гап очсан, гоҳида магар,
Кўзини лўқ этиб, мутасадди кар.
Хукуқ талаб килиб, сўйласам агар,
Еган ичганларим бўлғуси заҳар,
Ўйланиб қарасам, бу ҳам сиёсат.

“Бошинг омонлигин ўйлайсанми, хеч,
Үй-рўзғор десанг гар, бу шаҳтингдан кеч”,
Деганлар қулоғим қилишар батанг,
Этганча ўзларин обрўларин пеш,
Ўйланиб қарасам, бу ҳам сиёсат.

Сиёсатдан холи хилватим ҳам йўқ,
Сиёсатдан ийрок кулфатим ҳам йўқ.
Хатто жанозада сиёсат хозир,
Ўзинг ҳам сиёсат, кўнглинг бўлсин тўқ.
Ўйланиб қарасам, хаёт - сиёсат.

БУЮКЛАР СЎЗЛАЙДИ

Ҳикоят

Бир дарвеш саҳронинг хилват бир ерида ўтирган эди. Шу маҳал подшоҳ, ўша ердан ўтиб қолди. Қаноат мулки ичра фароғатда бўлган дарвеш подшоҳга қайрилиб ҳам қарамади. Подшоҳ дарвешнинг бу ишини салтанат шаънига таҳқир билиб, деди: «Бу хирқа (жанда) кийганлар бамисоли қорамолга ўхшайдилар, улар тавозени ҳам, одамгарчиликни ҳам билмайдилар». Шунда вазир дарвешга яқин бориб, деди: «Эй дарвеш, подшоҳи олам сенинг ёнингга келдилар, нима сабабдан иззат-икром қилмадинг, одоб қоидаларини бажо келтирмадинг?» Дарвеш айтди: «Подшоҳга дегилким, неъмат ва илтифотидан умидвор одамдан иззат ва хизмат кутсин. Яна шуни ҳам айтиб қўйгил-ки, фуқаролар подшоҳларга итоат этмоқ учун эмас, балки подшоҳлар фуқарога хизмат этиш учун яшайдилар».

Сайдий Шерозий, “Гулистан”.

“БИЗНЕСМЕН”

Бозорни кезади “бизнесмен” аёл,
Навқирон чехрада ғамгин табассум.
Эзилган елкасин силаркан, беҳол,
Аланглаб бокади атрофга бир зум.


Елкага ортилган оилағами,
Не илож, не чора, йўқдир бошқа иш.
Қаро кўзларининг қуриған нами,
Ҳаёт осон эмас, унда чўнг ташвиш.

Олисадан келтирас не-не турфа мол,
Аммо қоппаймайди, бу қурғур - ҳамён.
Сотувчи ҳам ўзи, ўзидир ҳаммол,
Гоҳ фойда кўради, гоҳида зиён.

Дам олиш қайдадир, йўлларда гоҳо,
Йўл-йўлакай ухлар, сафар чоғида,
Тушида фарзандин кўраркан ногоҳ,
Ҳаёлан гаплашар соғинч доғида.

Оlamни кезмокда “бизнесмен” аёл,
Боласин зор этиб она меҳрига.
Айтинг бундай фарзанд улғайиб, эрта,
Қандай жавоб берар, тақдир қаҳрига?

Баҳодир ОТАШ,
«Чашма» ижодий ўюшмаси аъзоси.
Корабулоқ қишлоғи.

(Давоми,
боши 1, 2- сонларда)

1755 йилнинг 3 декабрида Тевкелев Нуралихон билан кўришди ва Ўрусия элчисига мурожаат билан келган бошқирдларни Ўрусияга қайтариб берилишини талаб қилди.

1756 йил бошларида Ўрусияга қайтиб кетган Тевкелев, шу йилнинг июн ойида яна қайтиб келди ва хондан бошқирдлар қачон қайтарилишини сурештириди. 1756 йилнинг 12 августидаги Нуралихон сultonлар йигилиши ўтказиб, бошқирдларни Ўрусияга қайтариш ҳакида карор қабул қилишди. Шундан сўнг 1757 йили 4502 нафар бошқирд Оренбургдаги ўруслар махкамачиларига таслим қилинди. Бу Туркистон ялпи тарихида илк бор ёрдам сўраган инсонларга нисбатан ҳақсизлик қилиниши эди. Бу қилмиш на туркий ва на исломий тамойилларга тўғри келар эди.

Зеро, мусофирсеварлик анъанаси ёрдам сўраган ва илтижо қилган кимсаларни уларни таъқиб этувчилари қўлига топширишни гайриинсоний ҳаракат деб билади. Кичик Юз Ўрусияга бу борада ҳеч қандай ваъда бермаган бўлса-да, бу ҳодиса ўрусларнинг босқини натижаси ўлароқ юз берди. Худди шундай, қозоклар ўрусларга қарши кўтарилиган чоғда, уларга қарши қалмоқлар юборилди. 1763 йилда қалмоқ хони қозокларни жазолашга бошчилик қилди. Бундан тахминан етти йил ўтиб қалмоқларнинг ўзлари ҳам ўрусларни курбони бўлди. 1770 йилда 30 000 га яқин қалмоқ оиласи Волга атрофидан Жунгорияга қочишга мажбур қилинди! Екатерина 1771 йил 27 январ фармонига биноан Нуралихон қалмоқларга қарши ҳаракат бошлашига ва қалмоқлар мулкини ўз мулки деб билишига очик изн берилди.

Ростдан ҳам, қозоклар

Боймирза Ҳайит:

“Туркистон Русия билан Чин орасида”

ўрусларнинг ва ўз хонларининг истагини амалга ошириш учун қочаётган қалмоқлар билан жанглар олиб боришига тўғри келди. Шаклан Ўрусиянинг химояси остида бўлган Кичик Юзда хонни сайлаш тадбирида ҳам чалкашликлар, гирромликлар юзага келди. Хоннинг курултой томонидан сайланishi ва оқ ўтовда гилам устида кўтариш одатлари (булар мўғуллардан мерос одатлар) 1800 йилгача сақланиб келди. Бу одатга ҳар бир сайланган хон ўрусларни подшоси томонидан тасдиқланиш мажбурияти қўшилди. Агар бунга Ўрусия томонидан Кичик Юзда хоннинг ҳукмронлигини таниш, эътироф этиш, деб қаралганда ҳам, айни чоғда бунда “Ўрусияга тобелик ва садоқат”нинг ишорати бор эди.

Ўрусия қозокларга ишонмасди, шунга қарамай, Кичик Юзни ўз қўли остида абадий сақлаб қолишига интиларди. 1756 йил 2 сентябр қарорига биноан қозок туркларига Уралнинг ўнг кирғогига оёқ босиши ясоқ қилинди. Уларга ўрусларнинг мустаҳкамистеҳкомларидан чамаси 12-15 км узоклиқда юриш амри берилди. 1755 йил 6 май фармони билан эса, Ўрта Юз қозокларнинг Иртиш ҳарбий чизигига яқинлашиши ман этилди. Хонлар олган ҳар қандай тадбири ҳакида Оренбург валисига хисоб беруб туришга мажбур қилинди. 1770 йилдан кейин, Абилайхон истисно, ҳеч бир қозок хонига ўрусларни таҳдидисиз бирор ҳарбий қилиши насиб кильмади. 1771 йилда хон бўлиб сайланган Абилайхонга тўққиз йил Ўрусия Тасдигисиз хонлик қилди. Ўрусиянинг қозок туркларига нисбатан “дўстлик ва ҳукмронлиги”да, хонларининг Ўрусияга нисбатан “боғлиқлик ва садоқатлари”да ёлғон ва мунофиқликлар яққол кўзга ташланади. Чунки томонлар орасида муш-

тарак бир ишонч йўқ эди. Масалан, Кичик Юз хони Нурали ўзининг 1773 йили ёзган тарихий бир мактубида кўзғолончи Пугачёвни Ўрусиянинг подшоси деб тан олади. Бироқ ўрусларни подшоси томонидан 2 полковник (субай), 2 нафар божхона мудири ва икки нафар давлат маъмури, қозоклартомонидан бир сultonон ва 6 нафар бий(бек) киритилди. Бу буйрукда, булардан ташқари, Оренбург генерал валилиги қолишида ахборот ишлари бўйича шуғулланадиган 2-3 йил муҳлатли бир қозок ҳайъати ташкил этилиши; ўрусларни сўраб олиш юзасидан Улуғ Юзда ташвиқот ишларини йўлга кўйиш; Ҳазар денгизи билан Орол кўли ва Иртиш дарёси оралиғида келажаги бехавотир бўлган мустаҳкам чегара чизиги хосил қилиш мақсадида Эмба дарёсидан то Ўрва Тобол дарёлари қадар қалъалар курилиши кўрсатмаси берилган эди. Кўрсатманинг сўнгги бўлимидан кўриниб турибдики, бу вақтга келиб (1812 йил, 28 май) Ўрусия давлат шўроси Кичик Юзнинг ҳар икки хонини танишга қарор қилган. Оренбург валиси Волковский икки гурух орасидаги ихтилоғни теранлаштирумок учун 1812 йил 2 августидаги Кичик Юзнинг ягона хони сифатида Шерғозини таъинлади.

Кичик Юзнинг парчаланишининг илк белгилари, асосан, Нуралихоннинг ўғилларидан бири бўлган Сulton Бўкейнинг 1800 йилда Норин даштларида кўчиш учун Астрахан валисидан рухсат талаб килишидан бошлаб кўзга ташланди. 1801 йил 11 майданда Павел Бўкейга қабиласи билан Волга ва Урал орасидаги ерларда (окимга тескари ўнг қирғоқ ерларидан) кўчиб юришга рухсат берди. Бўкей бу ерларга 1803 йилда 500 чодирли қабиласи билан кўчиб келди. Императорнинг 1808 йил 19 май буйруги билан Бўкей ўрдасининг чегара-

лари Ўзен дарёсидан Бўғди тоғларигача, ундан то Ҳазар денгизи қадар қилиб белгилаб берилиди. 1812 йилда эса, Ўрусия Бўкейни ушбу худуд қозокларининг хони ўлароқ эътироф этди. Бу буйрук билан ўруслар Бўкей ўрда ёки Ич ўрда номини олган янги бир автоном давлат ташкил этди. Бўкей хоннинг ўлимидан сўнг Бўкей ўрдасининг хони унинг 14 яшар ўғли Жаҳонгир бўлди. Аслида эса ҳокимият Бўкей хоннинг бирордари Шифай қўлида эди. Жаҳонгир эса 1825 йилдан кейин 1845 йилгача давлатни ўзи идора килди. 1827 йилда Сulton Қаипгали бошчилигидаги қозокларнинг бир гурухи яна Кичик Юзга қайтишга қарор берди. Бу ташаббусга ўрусларни ризолик бермади.

1829 йилда Бўкей ўрдаси қозоклари ўруслардан изн олмасдан, яна Уралнинг нариги қирғогига кетишини бошладилар. Шу боис сulton Қаипгали хибсга олинди. 1830 йилда у Оренбург қамоқхонасидан қочишга муваффақ бўлди. Қозоклар «катта бир ўрусларни қоғаси “ичига олинганини” энди англаб ета бошладилар. Ана шунинг учун ҳам 1836-1838 йилларда Бўкей ўрдаси Исатай Тайман бошчилигидаги қозоклар кўзғолонининг ўчогига айланди. Жаҳонгирга ва айни чоғда ўрусларга қарши бўлган бу кўзғолон ўрусларни ҳам саросимага солди. Ўша пайт ҳукумати берган баҳога биноан бу кўзғолон Ўрусиянинг хавфсизлигига таҳдид соларди. Шунинг учун ҳам ўрусларни ижрочи ҳукумати юқори доиралардан Бўкей ўрдасини тугатишга рухсат олди ва 1845 йилда Жаҳонгирхон ўлгач, ундан кейин янги хон сайланishiга йўл бермади. Ич ўрдани бошқариш учун бир-иккита қозоклар ҳам киритилган асосан, ўрусларни полковник (субай)ларидан иборат бир шўро ташкил этилди.

Бу ҳолат 1917 йилгача ўзгармади. Иши ўз хукуматларининг кўрсатмаларини бажаришдангина иборат бўлган Оренбург ва Омскдаги ўрус идоралари имкон қадар хонларнинг ҳокимиятини чегаралаш ва йўқ қилиш билан машғул бўлдилар. Ўрус васийлигидаги Ўрта Юзниг ҳам умри қисқа бўлди. Фарбий Сибирия генерал валиси 1819 йил августида вафот этган Валихоннинг янги хон сайланмаслигини ва умуман “хон” унвони бекор қилинишини айтди.

1822 йил 22 июнда 319 моддадан иборат “Сибирия қирғизлари (қозоқлари) мақоми” эълон қилингач, ўрус хукумати Ўрта Юзни ҳам бекор қилди. Хон ва султонлар юритган идора усулалири ҳам бекор қилинди. Энди идора низоми қабила асосига таянмайдиган бўлди, мухторлик туман ва вилоят асосига қурилди. Вилоят бошчисига ўрус мингбошиси унвони берилиб (“бош султон”//ога султон”), у сайланиб қўйиларди. Расман «вакил султон» номини олган бу султонлар ўрусларнинг ерли аҳолидан ёллаган маъмурлари эди. Ўруслар бу «султонлар”га маош тўлар ва шў йўсинда янги идора механизми яратар эдилар.

Султонларни Русиянинг аслзодалар синфи қаторига кўшмадилар, бироқ ўрус хукумати қадимдан келаётган маҳаллий аслзодаларнинг қўллашига мухтож эди. Шунга қарамай, султонликнинг наслий ворислик хукуки ҳам бекор қилинди. Бунинг ўрнини қоплаш учунни, бosh султонга 5-7 км², туман султонига 45 десятина ерга эгалик қилиш хукуки берилди. Лекин бу қонун 1868 йилдан бошлаб ўз кучини йўқотди. XIX юзийллик охирларига келиб, бир замонлар қабила аслзодалари бўлганлар бутун имтиёзларини йўқотиб қўйдилар. Бугунги Қозогистоннинг шимолий ва шаркий ўлкалари Ўрсианинг колонияси ҳолига келтирилди. Ўрсия тўқсон йил (1732-1822) давомида Кичик Юздан бошлаб Ўрта Юз томон-Орол қўлининг шимоли ва Балхаш қўлининг жанубидаги Или дарёси ҳавзасида Чингизхон ёхуд турк ҳоқонлари салафи эканлиги билан фаҳр этган хон ва султонларни

бир четга суриб кўйишга мувваффақ бўлди. Аслзодалар ўз хукукларидан маҳрум бўлиб, таваккал қилиб бош эгишди.

Ўрус хукуматининг “Осиё мамлакатлари комитети” 1824 йил 31 январида Оренбург вилоятининг идора услубини янгилашга қарор қилди. Бу қарорга мувофиқ Оренбург бир вилоят ва айни чоғда бир чегара ўлкаси бўлгандиги учун икки бир-биридан мустақил идорага эга бўлди. Чегара бошқармаси ўруслар тарафидан бир нозир ва нозир ёрдамчиси, икки ассистент, қозоқлар тарафидан 4 нафар вакил ҳамда Бухоро ва Хиванинг бирор мухтор элчисидан ташкил этиладиган бўлди. Чегара бошқармасининг чегара чизиқлари ва дашт бўлнимларидан ташқари уларнинг икки қуи бўлнимаси ҳам бор эди. Чегара чизиги бўлнимаси ихтиёрида вилоят чегара муҳофазаси билан машғул бўладиган ўрус қурилиш офицерлари уюшмаси бўлган. Бу уюшма полиция ишлари, ҳарбий қалъалар қуриш ҳамда буларнинг барчаси ўз вазифасини бажарини назорат қилувчи ваколатга эга эди.

1824 йилнинг 31 январида маҳсус қарор билан Кичик Юз бекор қилинди. Хон сайланиш тизими йўқ қилинди. Кичик Юз идора ишларини дашт қуи бўлнимаси ўз кўлига олди. Кичик Юз Фарбий, Ўрта ўрда ва Ич ўрда деб номланувчи тўрт қисмга ажратилди. Ҳар бир қисмни идора этиш учун бир нафар “султонлик вакили” тайин этилди. Ўрус хукуматининг бундай қарорларига қозоқлар қаршилик қилганлиги, лекин бу норозиликларга эътибор берилмаганлигига ўша давр ўрус манбаларининг ўзи гувоҳлик беради. Оренбург вилояти бошқарув ишларида кўп ўзгаришлар қилгандан кейин 1844 йил 14 июн куни Ўрсия хукумати қирғизларни (қозоқларни) бошқариш ҳақида 100 моддалик бир низом қабул қилди. Мазкур низомда ўрус тилида илк бора «Оренбург қирғизлари» бирикмаси ишлатилди. Низомнинг биринчи моддасида шундай дейилади: “Оренбург қирғизлари (собиқ Кичик Юз қозоқлари-муаллиф) Ташки ишлар вазирлигининг Марказий Идорасига тобе Осиё

шўйбаси воситасида ҳамда Оренбург ҳарбий валиси томонидан тўғридан-тўғри бошқариладиган Кичик ўрданинг идора маҳкамалари бир умумий ёки бир неча хусусий қисмлардан майдонга келади”. Бош идора ўрни Оренбургда жойлашган бўлиб, чекка идоралар собиқ Кичик Юз қозоқларига теккан эди (2-3 моддалар).

Бу тадбирлар воситасида ўрус хукумати Урал дарёсининг чап соҳилидан Сирдарёнинг қуи оқимиға қадар идора ишларини тўлиқ ўз кўлига олиб бўлган эди. Қозоқ ерлари ўрус императорлигининг ўз хусусий ўлкаси сифатида эълон этилди (4-модда). 1868 йилги идора ислоҳоти натижасида қозоқларни бошқариш вазифаси ташки ва ҳарбий вазирликлардан олиниб, ички ишлар вазирлигига топширилди. Кичик Юзниг сўнги хони Шерғози Оренбургга келтирилиб, назорат остига олинди.

Дастлабки вақтларда Ўрсия Туркистаннинг дашт ўлкалари билан, ҳар эҳтимолга қарши, чет давлат билан қилинадиган муомала каби иш тутишга уринарди. Лекин 1844 йилдан кейин чет мамлакат каби муомала қилинадиган мамлакатни ўрус императорлигининг бир парчасига айлантириш учун Яна 24 йил уринишга тўғри келди. 1868 йил 21 октябринда Оренбург ва Сибирия ўлкаларидаги қозоқларнинг идора мақомларини қайтадан тузиш ҳақида фармон эълон қилинди. Айни замонда 268 моддалик идора низоми ҳам кучга кирди. Забт этилган ўлкалардан Ақмўла(Ақмолинск) ва Етитом (Семипалатинск) Фарбий Сибирия бош валилигига, Урал ва Тўргай вилояtlари Оренбург бош валилигига тобе қилинди. Ниҳоят, бир ўрус тарихчининг фикрини келтирамиз: «135 йил (1734-1869) қирғиз-қозоқлар (қозоқлар) бўйнига бўйунтурук осиш тарихи бошидан охиригача роса фойдали бўлди». Бир туркистанлик тарихчи эса, ўрусларнинг кейинги шиддатли ҳаракатларидан 29 йил ўтгандан сўнг бундай деб ёзган: ”Қозоқларни Ўрсияга ўз ихтиёри билан қўшилган дейиш афсонани ҳақиқатга йўғиришдир”.

Туркчадан Бахтиёр Исабек ўзбекчалаштирган.

Хотира

Рауф ака хафа бўлишини билмасди...

Устоз Рауф Парфи «Орамиздан кета туриб» иборасини кўп ишлатар эди. Масалан, сұхбат асносида «... деди у орамиздан кета туриб» деб кўяр эди.

Ўз ибораси билан айтганда устознинг орамиздан кетганига ҳам олти йил бўлиди. Олти йилдан бери Рауф Парфисиз яшамоқдамиз. Лекин унинг дарвишона қиёфаси, шеър ўқишлиари, ҳазил-хузиллари ҳамон кўзларимизнинг ўнгидা.



Мен Рауф Парфи шахсиятини чуқур билиш жиҳатидан мақтана олмайман. Аммо, 1995 йил ёзидан тики 2004 йил ёзигача - тўққиз йил мобайнида кўп бора сұхбатлашиб шахсиятининг баъзи кирраларини кўрдим, тушундим. Назаримда, устоз ҳеч кимдан хафа бўлмаган. Яъни содир бўлган воқеликни худди тушкаби қабул қилган.

Хафа бўлиши туйғусидан кейин туғулғанман, - дерди у, - Мени хафа қилишнинг турли усувларини ўйлаб топишиди. Энди иш столим ғаладонидан кўлёзмаларимни ўғирлаб кетадиган бўлишиби...

Бу гапларни айтганида устоз «Жаҳон адабиёти» журнали таҳририятида ишлаётган эди. Ҳаммуаллифликда килган таржималарим - XX аср олмон шеъриятидан намуналарни устозга топшириган эдим. Ўғирланган кўлёзмалар ичига ўша битиклар кетган шекилли, ҳеч топилмади. Рауф акани яхши кўрадиган аёллар амалга оширади бу ишни. Жаҳлини чиқариб эътиорини ўзига жалб этиш учун.

Рауф ака пул санашини ёқтирасди. Кафега кириб овқатланиб, у-бу нарса ичсан, ҳақини тўламокчи бўлиб чўнтакка қўл юборсан, менинг олдимга пул санаманг, дер эди. Мол-дунёга, менимча, умри мобайнида парво килмаган. Шунингдек, кимдир пакетга солиб пул берса, санаб кўрмасди.


Бир гал ичкилик мавзууда гап борганида: «Сиз ўзи мулойим одамсиз. Лекин ичсангиз ваҳшийга айланасиз. Ваҳший!», - деди. Мен ўзимнинг бу қусурим ҳақида кўп ўйлаб кўрдим ва нега шундай ҳолат содир бўлишини ҳеч тушуна олмадим.

Устоз ичишнинг беозор усувларини биларди, ҳеч кимга сездирмасдан хўплаб-хўплаб, кам-кам ичарди, сұхбат асносида бировга оғир ботадиган ибораларни ишлатасди, ҳаттоқи, «Зулм» сўзини чиройлигина алғозда айттардики, инсон сўз хуснига қойил қолиши мумкин эди. Сўкинганини эслай олмайман. Ҳадарвоқе... Кунлардан бир куни хотинига «Синекдоҳа!» деб сўккан. Бу адабий термин маъносини англамаган хотини шунда йиғлабди.

Кимларгадир телефон қилса, нариги ёқда «Кимсиз?» сўроғи янграса «Рауф Парфи деган девонаман» - деб кўярди. Ҳақиқатдан у девона - шеър ва ишқ ўйлидаги савдой инсон эди.

У ҳамма нарсасини оз-оздан йўқота бошлади: уйини, аёлларини, пулини, дўстларини, шогирдларини. Охир - оқибат ўзи ҳам биздан узоқ-узоқларга йўқолиб кетди. Лекин унинг сиймосини ўйласанг ич-ичинг ёришгандек туюлади. У ажойиб ва ғаройиб, гўзал, ниҳоятда гўзал, гуноҳларини тутдек тўккан инсон эди.

Баҳром Рӯзимуҳаммад.

Азиз Несин

Бир-бирини таниганига уч кун бўлмасданоқ турмуш қуришга ваъдалашиб қўйишибди. Бўлғуси келин дурустгина оиланинг қизи бўлиб, ота-онаси жуда нозиктаб одамлар экан. Шунинг учун ҳам қиз йигитга:

— Уйимизга бориб, чолкампирдан ҳам розилик олмасанг бўлмайди, — дебди.

Куёв тўрани сўрасангиз, ўзи жуда мўмин-қобил йигит, бир гапни икки қилгиси келмайди, иложи борича биронинг кўнглини ранжитмасам, дейди. Шунга кўра у:

— Жуда соз, эртагаёқ уйингга бориб, отандан тўйга руҳсат оламан, — деб қизни хотиржам қилибди.

Қиз воқеани онасига айтибди. Онаси ҳам бор гапни оқизмай-томизмай эрига етказибди. Хуллас, иккови эртасигаёқ куёв билан уни ичкари олишибди. Ҳаммалари биргаликда қахва ичишибди, аллавактгача ўёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришибди. Ана гапиради, мана гапиради, деб чолкампир роса кутибди, лекин йигит сира тўйдан оғиз очмасмиш. Бунинг устига кетишни ҳам ўйламасмиш. Кеч кириб, коронги тушибди. Кечки овқатни ҳам баҳам қўришибди. Кетидан яна қахва ичишибди. Бўлғуси куёв ҳамон чурк этмасмиш. Оғиз пойлаш билан вакт алламаҳал бўлибди, ярим кечада меҳмонни ҳайдаб бўлармиди? Ноилож унга жой солиб:

— Нариги хонага ўта қолинг, марҳамат ўрнингиз тайёр, — дейишибди.

Бир вақт ота бундок караса, йигит қизнинг билагидан ушлаб, ўша хонага торткилаётганмиш. Чолнинг ғазаби қайнаб:

— Ўғлим, бу нима қилиқ? — дебди.

Йигит эса пинагини бузмай:

— Гап бор, ота, — деб жавоб қилибди.

— Қанака гап?

— Гап бор, дедим,

кин уни қайта кўриш насиб бўлмабди.

Биз тушган қамоқхонага шу одамнинг ўзидан олдин саргузаштлари етиб келди.

Яна бир куни газлама дўконига кирибди-да, токчада ётган бир тўп матони кўрсатиб:

— Манавини бир кўрай, — дебди.

Газламафуруш хўп деб олиб берибди. У бўлса ма-

Бир пайт у трамвайга чиқибди-да, тўғри кондукторнинг олдига бориб:

— Қани бўйнингдаги халтани менга узат! — дебди.

Кондуктор ҳайрон бўлиб:

— Нега энди? — деб сўрабди.

— Оббо сен-эй, бер дегандан кейин беравермайсанми, ошина. Қани, узатавергин, гап бор, кейин хурсанд бўласан.

кўзининг остига олиб юрган экан, тўғри олдига бориб:

— Қани, менга эллик лира узатвор-чи, — дебди.

— Нега бераман?

— Чўзавер, ишинг бўлмасин.

— Негалигини билсак бўладими?

— Тавба, негалиги билан нима ишинг бор. Бер дегандан кейин беравермайсанми, ошина. Қани, узатавергин, гап бор, кейин хурсанд бўласан.

У ҳам “нима гап бор экан?” деб қизикиб қолиб, эллик лирани кўлига санаб берибди.

Бу воқеадан ўша куни ёқ ҳамма ҳабардор бўлди. Мухбуслар ҳам, соқчилар билан қамоқхона бошлиги ҳам буни эшитиб роса кулишиди.

Қамалганига ҳали бир ҳафта бўлмаган эди, тўсатдан гойиб бўлди. Қамодан қандай қочганини биз кейин эшитдик. Маълум бўлишича, кечга якин навбатда турган соқчининг олдига бориб:

— Қани, эшикни оч, — дебди.

Гапни дўндириб гапиранга нима етсин. Агар бошка одам келиб шунака деса борми, соқчи тумшуғига айлантириб бир туширган бўларди. Лекин бунинг важноҳатини кўриб:

— Очсан нима бўлади? — деб сўрабди.

— Очгин, кейин кўрасан. Гап бор.

Соқчи камера эшигини очиби.

— Мана энди бу ёққа юр!

Соқчи унинг кетидан ташқари ҳовлига чиқибди.

— Энди бу дарвозани оч!

— Нимага?

— Айтган ишни қиласер, сўраб нима қиласан. Очавер, гап бор, кейин хурсанд бўласан.

Соқчи дарвозани ҳам очиб берибди. У нима гап борлигини сабрсизлик билан кутаётган соқчига қўлини силкиб ҳай-ю ҳайт деб жўнаб колибди.

Туркчадан Миад ҲАКИМОВ

“КЕЙИН ХУРСАНД БЎЛАСИЗ...”



бўлди-да, суриштириб нима қиласиз, отахон. Кейин хурсанд бўласиз.

Ҳам гапирамиши, ҳам қизни зўр бериб ичкарига тортармиши. Унинг сирли гапларини эшитиб, чолкампир индолмай қолибди. Иккоти бошлашиб хонага кириб кетишибди.

— Қани, кўрайлик-чи, нима гап бор экан, — деб чолкампир миҷжа қоқмай тонг оттиришибди.

Унинг биринчи катта иши шу бўлган экан. Эҳтимол, айнан шундок бўлмагандир, лекин бизга етиб келгани шу.

Хуллас, эртасига эрталаб хонадан яна бошлашиб ҷишишибди.

— Қани нима гапинг бор эди, айта қол энди, — дебди йигитга қизнинг отаси қўзини ерга қадаб.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, отахон, асло ғам еманг. Бир нарсани билмасак, биз гапирмаймиз. Гап бор, дедимми, вассалом қўяверинг, кейин хурсанд бўласиз.

Нонуштадан кейин “энди бизга руҳсат” деб кетмоқчи бўлган экан, қиз уввос тортиб тиззасига ёпишибди.

— Тур ўрнингдан, йиғлама бас қил. Кейин айтаман, гап бор, ўзинг хурсанд бўласан, — деганича этагини кутқариб кетибди.

Бир куни трамвайда кондукторни роса боплаб кетганини айттиб беришиди. Тоза мирикиб кулдик. Вокеа бундай бўлган экан.

тони кўлтиғига қистириб, секин эшикка караб юрибди. Молнинг эгаси олдинига ҳанг-манг бўлиб қолибди, кейин унинг машинага ўтираётганини кўргач, югуриб бориб кўлига ёпишибди. Йигит заррача пинагини бузмай:

— Ия биродар, нега кўлимга ёпишасан? Моллингни еб қўяданми? Нега оласан эмиш-а, тавба. Кепрак бўлганидан кейин оламан-да. Ҳа, шундок. Кўп ховлиқма, сабр қил. Гап бор, — дебди. Унинг босик, катъий гапларини эшитган дўкондор нима қилишини билмай колади, хуллас, у ё молидан ажраб орқага қайтади, ёки “нима гап бўлдийкин?” деганича қаловланиб туради. Аммо у айтган гапнинг нималигини ҳали ҳеч ким билмайди, чунки бир марта кўлга туширган одамига у иккинчи қайта йўлиқмайди.

Бу йигитнинг оғиздан оғизга кўчиб юрадиган хунарлари кўп, лекин ҳаммасининг йўли ва усули бир хил.

Бир куни трамвайда кондукторни роса боплаб кетганини айттиб беришиди. Тоза мирикиб кулдик. Вокеа бундай бўлган экан.

— Хўш, нега берар эканман?

— Тағин сўрайди-я. Битта айтдим, бўлди-да. Сен менга беравергин, гап бор, кейин хурсанд бўласан.

Кондуктор ҳайрон бўлганича бўйнидаги халтани ечиб берибди. У ҳам пул тўла халтани олиб, шошилмай трамвайдан тушиби, кейин битта-битта қадам ташлаб кетаверибди. Буни қарангки, на югурамиши, на бир ёққа қочармиш. Ҳамманинг оғзи очилиб қолибди.

Ана шу одам охири камоққа тушди. Чуваккина бир кимса экан. Ўзи ўттиз бешларда бўлса ҳам кўрган одам йигирма бешларга борган, дейди. Кўзлари нақ игна тешигидек, ўзи муғомбир. Унчалик гапдон эмас. Умумий камерада икки кунгача овози чиқмай юрди.

Келганининг учинчи куни хунарини кўрсатди.

Махбуслардан бирини

**Ижтимоий-сиёсий,
илмий, адабий-
публицистик газета**

**Бош муҳаррир:
С.Байдуллаев.
Муҳаррир ўринбосари:
Б.Норбоев.
Дизайн:
У. Курбонтоев.**

Таҳририят манзили: Чимкент шаҳри, Интимоқ микрорайони, 1-уч. Тел.: 8(7252)292587.

Мулк эгаси: якка тадбиркор «С.Байдуллаев».

Қозогистон Республикасининг Алока ва ахборот вазирлиғи, Ахборот ва архив кўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 2000 дона. «M-prees» босмахонасида чоп этилди. Буюртма №.

Таралиш худуди: Қозогистон Республикаси. Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнан бўлмаслиги мумкин.

2. Барча муаллифлик хукуклари Қозогистон Республикаси конунлари билан ҳимояланган.

3. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.

4. Ўқувчиларимиз маънавияти бойлигини ҳисобга олиб, сахифалардан ножо жойларда фойдаланмаслигига умид қиласиз.

5. Газетадан олингандан мақолаларёки иқтинослар «Туркистон тонги»дан олинганданлиги кўрсатилиши лозим.

**ТУРКИСТОН
ТОНГИ**

